

## ХИТОЙ ФАЛСАФАСИДА ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАР



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2023-21-484-487>

**Мамаджонова Марварид Қурбоназаровна**

Тошкент давлат педагогика университети, Ижтимоий фанлар кафедраси  
в.б доц, ф.б.ф.д (PhD)  
[sinergiya2020@list.ru](mailto:sinergiya2020@list.ru)

**Аннотация.** Мақолада Хитой фалсафий тафаккурининг ўзига хос томонлари, хитой фалсафаси ва тараққиётида зарурият ва тасодиф категорияларининг талқинлари баён этилган. Қадимги ва ўрта аср Хитой фалсафий мактаблари файласуфларининг зарурият ва тасодиф тўғрисидаги қарашлари таҳлил қилинган.

**Аннотация** В статье рассмотрены особенности китайской философской мысли, трактовки категорий необходимости и случайности в китайской философии и развитии. Анализируются взгляды философов древних и средневековых китайских философских школ на необходимость и случайность.

**Annotation.** The article examines the features of Chinese philosophical thought, the interpretation of the categories of necessity and chance in Chinese philosophy and development. The views of philosophers of ancient and medieval Chinese philosophical schools on necessity and chance are analyzed.

**Калим сўзлар:** зарурият, тасодиф, детерминизм, индетерминизм, даосизм, конфуцизм, Ван Чун, Лао Цзи, Чэн Хао, коинот, коинот идроки, Сюнь - цзи, Хань Фей-цзи

**Ключевые слова:** необходимость, случайность, детерминизм, индетерминизм, даосизм, конфуцианство, Ван Чунь, Лао Цзы, Чэнь Хао, вселенная, мировосприятие, Сюнь-цзы, Хань Фэй-цзы.

**Key words:** necessity, chance, determinism, indeterminism, Taoism, Confucianism, Wang Chun, Lao Tzu, Chen Hao, universe, perception of the universe, Hun-tzu, Han Fei-tzu

Хитой нафақат бой маданиятга, балки ўз фалсафасига эга бўлган жуда қадимий шарқ мамлакатларидан биридир. Хитой фалсафий тафаккурининг ўзига хос томонларидан бири олам, воқеий ҳодисалар, билиш, ижтимоий ҳаёт, кишилар ўзаро муносабатлари, ахлоқий камолот ҳақидаги ҳар қандай фикр-мулоҳазалар инсон меъёри билан бир тарзда боғланганлигидир.

Зарурият ва тасодиф фалсафий категориялар ҳисобланиб, улар бир қанча асрлар давомида инсонларнинг амалий фаолиятлари ва мавҳум тафаккур тараққиёти асосида юзага келган. Ҳозирда ҳам бу тушунчаларни детерминизм, индетерминизм, ижтимоий антропология, тарих фалсафаси, синергетика доирасида тадқиқ қилиш давом этмоқда. Бундан биз зарурат ва тасодиф тушунчаларининг ўзига хос динамик хусусиятга эга эканлигини англаб олишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам фалсафа ва фан тараққиёти мобайнида тўпланган назарий манбалар ва тажрибавий билимлар асосида зарурат ва тасодиф тушунчаларига тааллуқли масалалар таркибини янада бойитиш, аниқлаш долзарб аҳамият касб этади.

Зарурат ва тасодиф категориялари ёрдамида авваламбор, борлиқдаги кўпгина жумбоқ бўлган воқеаларнинг моҳиятини уларнинг назарий ва амалий аҳамиятини билиб олишимиз мумкин. Шу маънода, А.А.Начаев, таъкидлаганидек “табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни аҳамиятли жиҳатларини умумий қонуниятлар асосида тадқиқ қилиш орқали зарурат ва тасодиф тушунчалари онтологик мақомга эга бўлади” [1.128] деган хулосага келади. Борлиқдаги мураккаб масалаларни, жумбоқларни ечиш эса гносеологик маъно-мазмун касб этади. Билимнинг махсус шакли сифатида бу тушунчалар эпистемологик асосга эга. Инсоннинг тафаккурини ҳаракатга келтириб, уни янада такомиллаштириш ва маълум бир усуллар орқали бир билимдан иккичисига ўтиши имкон бериши билан методологик мазмун-моҳиятга ҳам эга бўлади. Булардан кўринадики, зарурат ва тасодиф тушунчалари ўзига хос универсал характерга эга. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, борлиқда мустакил равишда ва соф ҳолатда мавжуд бўлган зарурат ҳам тасодиф ҳам мавжуд эмас. Улар ўзаро диалектик алоқада бўлиб, уни турли хил концепциялар, шу жумладан, синергетика назарияси асосида тадқиқ этиш мумкин. Мазкур фикримизнинг тасдиғи сифатида мумтоз фалсафага мурожаат қиламиз.

Фалсафа тарихида қадимдан зарурият ва тасодиф категориялари ўрганилиб келинади. Қадимги Хитой фалсафасида ҳам тасодиф - зарурият, сабаб - оқибат ўртасидаги боғланишларини тушунтиришга турлича ёндашилиб, бу борада эътиборга молик фикр - мулоҳазалар билдириб ўтилган. Даосизм мактаби асосчиси Лао Цзи фикрига кўра оламда абадий, ўзгармас, шаклсиз ва ноаниқ асос дао ҳисобланади. Даонинг шарофати билан нарсалар туғилади – пайдо бўлади ва мавжуддир. Лао Цзи фикрича «Инсон Ерда, Ер – осмонга, осмон – Даога, дао эса - табиийликка интилади»[2.11]. Бундан келиб чиқадики, табиийлик ҳамда қонуният заруриятга мос келади. Хитой файласуфи Конфуций эса барча нарсанинг асосчисини осмон деб эътироф этади. Унинг фикрича осмон Ердаги барча буюмларда зарурий равишда мавжуд бўлиб, табиийдир.

Қадимги Хитой фалсафасида алоҳида ўрин тутган Сюнь - цзи, Хань Фей-цзи, Ван Чун фалсафий қарашларида осмон – бу табиатдир, дейилган. Табиат ҳеч бир ҳукм, хоҳиш ва идрок билан яратилмаган. Бирорта мақсад

йўқки, унга табиат эргаши. Борликда дастлабки оддий зарра – ци мавжуд. Уларнинг таъкидлашича, «Цининг турлича аралашиси туфайли ҳар бир буюм ўз кўринишига эга, улар бир - биридан фарқ қилади. Худди эркак ва аёлнинг ци заррачалари кўшилганда гўдак дунёга келиши сингари, барча нарсалар осмон ва ернинг ци зарралари бирлашишидан ҳосил бўлади»[2.9]. Даони эса хитой файласуфи Ван Чун бутун борлиқнинг табиий келтириб чиқарувчи йўли, у доимий ҳаракатда деб тушунган. Унинг фикрича, нарсалар, ҳодисалар табиий ҳолда ўзлари пайдо бўлади. Табиатнинг ривожланиш манбаи ўз таркибида бўлиб, у ўзининг мавжудлиги, пайдо бўлиши ва ривожланишида ҳеч қандай ташқи таъсирга муҳтож эмас.

Қиёсий таҳлил асосида айтиш мумкинки, хитой фалсафасида, ҳинд фалсафасидан фарқли равишда, сабаб - оқибат, зарурият категорияларини тушунишдаги фарқ яққол сезилган. Жумладан, баъзи файласуфлар (Лао-цзи, Сюнь-цзи) даони борликни ривожлантирувчи табиий ва қонуний (яъни, зарурий) йўл деб билганлар. Бошқалари эса (масалан, Конфуций ва унинг издошлари мактаби) даони осмон томонидан ҳукм қилинган белгиланган зарурият деб билишган. Ван Чун заруриятни табиат кучи деб ҳисоблаган. Умуман олганда, дунёда тасодифларнинг мавжудлигини қадимий хитой ва ҳинд файласуфларининг кўпчилиги инкор қилганлар.

Маълумки, ўрта асрларда кишилар илоҳиётга кучли ишонишган ва бу табиатни ўрганишни кейинги ўринга суриб қўйган. Жумладан, бу ҳолатни Хитойнинг ўрта аср фалсафа мактаблари вакиллари қарашларидан англаб олишимиз мумкин.

Хитойда ўрта асрда ҳам даосизм ва конфуцизм мактаблари кенг тарқалган бўлиб, Ван Би даосизмни идеалистик йўналишда ривожлантирган. Унингча заруриятни ва тасодифни оддий йўл билан аниқлаб бўлмайди. Ван Фу эса даосизмни материалистик нуқтаи назардан ривожлантириб, даони дунёнинг умумий қонунияти, цини эса табиатнинг моддий субстанцияси деб билган. Шунингдек, унинг фикрича, дао ва ци биргаликда барча нарсаларнинг асосини ташкил қилади. Яна бир хитой файласуфи Хан Юй фикрига кўра эса табиат ўз қонунлари асосида, зарурият кучи туфайли ривожланади. Дай Чжэня эса «Энг аниқ қонун – бу энг юксак қонун бўлиб, унга кўра коинотдаги барча нарсалар: инсонлар, жисмлар воқеа ҳодисалар ўзларининг табиий зарурияти натижасида келиб чиқади».[3.170] – дея таъкидлайди. Чэн И ва Чэн Хао фикрича, ли – бу шакл ва қонун, ци – эса модда. Ли дунёнинг бошланишининг асоси, у бирламчи, ци эса – иккиламчи, у ланинг натижаси ва у томонидан бунёд этилади. Чэн Хао таъбирича, коинот – бу «юксак ҳаёт», инсон ва нарсалар эса унинг қисмлари. Коинот идроки – бу инсон идроки, ли – унинг қонунларидир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсонлар тез-тез у ёки бу воқеа-ҳодисалар қай тариха содир булади- тасодиф ёки зарурат туфайлими деган саволни беришга қизиқадилар. Шунинг учун ҳам уларни баъзилари дунёда

фақат тасодиф ҳукмрон ва заруратга ўрин йуқ деб таъкидлашса, бошқалари эса ҳеч қандай тасодиф йуқ ва барча нарса зарурий содир бўлади дейишади. Лекин бундай ёндошувларга бир томонлама жавоб бериб бўлмайди, чунки тасодиф ҳам зарурат ҳам борликда ўзининг тенг “хуқуқи”га[4.176] эга бўлган тушунчалар ҳисобланади. Шу маънода юқорида номлари қайд этилган мумтоз фалсафа вакиллариининг қарашларида маълум маънодаги стихияли тафаккур унсурлари ҳукмрон бўлганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, бу даврдаги фалсафий концепциялар ҳам ўз даврининг тафаккур маҳсулидир. Шунинг учун ҳам ҳозирда зарурат ва тасодиф тушунчаларини янгича таъриф ва тасниф этишда илмий-фалсафий концепцияларга эҳтиёж сезилмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)

1. Нечаев, Андрей Александрович **Случайность** как онтологическая проблема : Дис. ... канд. филос. наук : 09.00.11 Воронеж, 2003
2. Пилипенко Н.В. Диалектика необходимости и случайности. – Москва: Мысл, 1981.
3. Антология мировой философии. Т. 1.2001.
4. Свинин, Евгений Валерьевич **Необходимость и случайность** как выражение закономерностей правовой действительности : Дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.01 Владимир, 2006